

Date: 23rd December-2024

**ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАРИМIZНИНГ ЭТНИК
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТИ САЛОМЛАШИШ МАДАНИЯТИ МИСОЛИДА**

Бобокулова Чарос Амонкул кизи

International school of finance technology and science instituti

23-PSD-03 гурух талабаси

Аннотация: Маколада узбек халкининг саломлашиш маданияти, ёшлар тарбияси ва миллий кадриятлар хакида фикр юритилади.

Калит сузлар: Фурур, саломлашиш, кадрият, маърифат, бурч.

Бугунги кунда мамлакатимизда улкан ижтимоий-иктисодий узгаришлар руй бермокда. Республикализ мустакил давлат сифатида тараккиёт йулига кириб, жахон хам-жамиятида уз нуфузини топди. Бундай шароитда миллий кадриятлар ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясида уларни комил инсон килиб тарбиялашда назарий асос сифатида хизмат килмокда. Республикализ Президенти Шавкат Мирзиёев узининг катор маърузаларида ёшлар тарбиясига эътибор бериб, уларга узбек халкининг миллий маънавий кадриятларини сингдириш кераклигини таъкидламокда. Хусусан, Президент Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Мамлакатимиз тараккиёти ва халкимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислоҳ, отларимиз самараси билан чамбарчас боғлик. Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга булган интилишларини руёбга чикиришимиз керак. Шу максадда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, урта ва олий укув юрт-ларининг моддий-техник базасини, илмий ва укув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак», деб таъкидлаган эди. Маълумки, неча асрлардан бўён кишиларда ахлоқий поклик, иймон-эътиқодлилик, ватан-парварлик ва инсонпарварлик тугуларининг камол топишида миллий кадриятларнинг роли бекиёсdir. Миллий кадриятлар ёшларнинг маънавий киёфаси ва дунёкарашини шакллантиришда узига хос сабоклар хазинаси хисобланади. Кадриятлар эндиликда халкимизнинг истиклол Фояларига самарали хизмат килмокда. Айниска, Шарқ мутафаккирлари, олим ва файласуфлари адабий-бадиий, педагогик асрларида комил инсонни тарбиялашда, халкнинг бой маънавий меросидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор берганлар. Ушбу маънавий мерос асрлар оша ҳаёт синовидан утиб, инсонпарварлиги билан ажralиб туради. Шу сабабли бу умумпедагогик миллий тарбия Фояларини урганиш ва тарғиб килиш ҳар бир янги авлоднинг бурчи хисобланади. Миллий тарбияланганлик мезонлари укувчи шахсининг миллий хусусиятига бевосита алокадор булган фазилатлари ва унинг узаро алокадорлиги (миллий-маданий детерминизм) тамойилидан келиб чишиб асосланди. Буни куйидагича шархлаш мумкин. Укувчининг «миллий гурури», «миллий одоби», «миллий мафкуравий онглилиги», «миллатлараро мулоқот маданияти» тушунчалари миллий узакка эга. Яъни, кандайдир мавҳум «гуур»,

Date: 23rd December-2024



«мафкура», «одоб», «мулокот маданияти» эмас, балки муайян хусусиятга эгалиги эътироф этилади. Ушбу фазилатлардаги миллийлик укувчининг миллий узлигини англаш жараёни билан бевосита боғланади. Натижада, ёш авлоднинг миллий түйгуси стихияли эмас, балки миллий истиклол максадлари, яратувчилик максадларига йуналтирилади, хизмат килдирилади. Маълумки, ахлок ҳакидаги масала назарий-амалий жихатдан утмиш мутафаккирлари асарларида кенг асослаб берилган. Шу сабабли ҳам бу таълимотлар узбек ёшларини тарбиялаш жараёнида ҳам назарий, ҳам ама-лий пойdevор булиб хизмат килмоқда. Усиб келаётган ёш авлодда айникса саломлашиш бурчини тарбиялаш муаммоси ахлокий тар-биянинг узак кисми булиб, у шахснинг маънавий ва маърифий савияси билан боғликдир. Чунки, унда шахснинг ижтимоий муносабатлари уз ифодасини топади. Саломлашиш маданияти илк бор оиласар, мактабгача таълим муассасаларида кичик ёшдан бошлаб фарзандларга ургатилиб борилади. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари 1-синфларидан бошлаб О.Хасанбоева ва М.Иноятова муаллифлигидаги «Одбонома» дарслигига укувчи-ёшларга «Саломлашиш коидалари» (1 соат), «Саломлашиш одоби» (1 соат), «Одбли бола - элга манзур» (1 соат), «Инсон ва жамият» (1 соат) мавзуларини утиш билан саломлашиш маданияти янада шаклланиб боради. Бу эгалланган куникма ва малакалар 2-, 3-синфлар «Одбонома» дарсликларида ҳам давом этади. Хуллас, салом бериш ва алик олишга оид куникма ва малакалар узлуксиз таълим-тарбия тизимида давом этади. Салом бериш, алик олиш ҳам карз, ҳам фарз хисобланган. Кишилар уртасидаги узаро мулокот саломлашишдан бошланади. Мулокотнинг барча шаклларида кишилар бир-бирлари билан учрашганларида саломлашиб, бир-бирларидан хол-ахвол сурайдилар. Бир киши иккинчи бир киши билан саломлашар экан, «Ассалому алайкум (арабча суз булиб «сизга соглик тилайман») дейдилар. Жавоб берувчи эса «Ваалайкум ассалом (маъноси арабча «сизга хам соглик тилайман») дейди. Катта ёшдаги кишилар, куникушни ва кариндошлар, устоз, тенгдошларни учратиб колгудай булса, куксига кулини куйиб шаркона диёнат билан салом бериб, хол-ахвол суралади. «Салом берилган вактда бош тубан килинмайди. Яна кул, кафт, бош билан ишора килинмайдики, хунук ва макрух - такиклангандир». Агар купчилик кишилар ичидаги бирон-бир дусти ёки танишини учратиб колса, у кишининг узига эмас, шу ердаги утирган ёки турганларнинг барчасига салом берилади. Куйидаги мавзуу айрим укувчилар ёки ота-оналар учун балки кизик булмаслиги мумкин, лекин педагогик фаолиятимиз давомида республикамизнинг купгина жойларида булдик, турфа хил мулокот жараёнларида турли касб эгалари билан сухбатлашиш баҳ-тига мұяссар булдик. Турли жойларда халки-миз маданиятининг таркибий кисми хисоб-ланган саломлашиш одобига эътибор бердик. Купчилик ёшларимиз саломлашиш маданиятини мұкаммал эгаллаганлар булсаларда, айрим махалла ва таълим масканларида ёшлар рупарадан келаётганларга эътиборсиз утиб кетаверадилар. Хуш бунга ким айбдор? Бизнингча, авваламбор, оила мухити, махаллалардаги маънавий-маърифий жараён, таълим масканларимиздаги маънавий-маърифий мавзудаги мулокотлар

**PROBLEMS AND SOLUTIONS AT THE STAGE OF INNOVATIVE DEVELOPMENT OF
SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY.
International online conference.**

Date: 23rd December-2024



етарли даражада эмаслиги сабаб булади. Демак, биз ёшларга илк ёшдан бошлаб салом бериш маданияти, яъни яхши хислатларни сингдириб боришимиз зарур. «Аллоҳ таоло Одам алайхиссаломни ярат-гандан кейин: эй одам бориб анави фаришталарга салом бергин, улар кандай жавоб кайтарсалар, шу сузлар сенинг ва зурриётларингнинг салом-алиги булади», деди». 1 Мухаммад Содик К,ошгари. Одоб ас-солихин (Яхши кишилар одоби). Ислом дини нозил килинган динларнинг охиргиси ва мукаммали булгани учун Аллоҳ субхану ва таоло ислом динини хам энг гузал ахлоклари билан зийнатлаган. Одоб буйича улов минган киши пиёдага, пиёда киши утирган кишига, озчиллик куп-чиликка, кичик каттага, юкоридаги киши пастдаги кишига салом бериши керак. Саломлашишда манманлик, узини юкори олиш, кибрланиш ёмон хулкдир, шу сабабдан юкоридаги киши пастдаги кишига салом берса, узининг кибрини синдириб камтарлик йулига утган булади. Икки киши учрашиб колиб кайси бири олдин салом берса, шу киши Аллоҳнинг олдида улугрок ва яхширок саналур. Салом инсон инсонга билдириган хурмати, одамларнинг узаро муомала ва муносабатларининг бошланиши, бир-бири билан учрашувчи икки дилнинг калитидир. Салом берганингизда хатто сизга ёкимсиз нигоҳ билан турган одам хам алик олади. Шу алик олиш давомида сизга нисбатан кунгил турида иликлиқ, юзида табассум пайдо булади.

«Салом» сузи арабча сулх, дустлик, омон-лик, демакдир. Куриниб турибдики, саломлашиш икки киши орасидаги сулх, дустлик рамзи, омонлик, сог-саломатлик нишонаси-дир. Инсон сог-саломат булса, бир-бири билан учрашади ва салом-алик килади. Саломлашиш ота-боболаримиздан бизга мерос булиб келаётган миллий урф-одатларимиздир. Миллий урф-одатлар хаётнинг ажралмас кисмидир. Узбекларда саломлашиш, куришиш илтифот курсатиш ва умуман, одамга нисбатан хурматнинг жозибали эканлигини ифодаловчи бу одатнинг турли шакллари мавжуддир. Айникса, халкимизнинг миллий урф-одатларига кура одобли кишилар хамма вакт биринчи булиб салом беришга харакат киладилар. Биз ота-боболаримизнинг бу ахлокий меросини кандай килиб узимиздан кейинги авлодларга колдиришимиз мумкин: биринчидан, авваламбор оиласа соглом мухит булиб, оила аъзоларининг узида саломлашиш маданияти шаклланса; иккинчидан, кичик ёшдан фарзандларга саломлашиш одатлантирилса;

учинчидан, узлуксиз таълим тизимида устоз ва шогирд уртасида саломлашиш маданияти шакллантирилса; туртинчидан, кишилар уртасидаги муомала маданиятини саломлашишдан бошлаш кераклиги уктириб борилса, максадга мувофик булади. Юкоридаги таъкидланган, саломлашиш учун берилган сабоклар жамиятимизда ёшлар уртасида маънавий-маърифий тадбирлари-мизнинг мувафакиятли амалга ошишига мухим омил булади. Бизнингча, куп йиллик тажрибага эга булган устоз-тарбиячиларнинг бир вакили сифатида саломлашишнинг баъзи бир куринишлари х,акида уз муносабатимизни билдиримокчимиз:

**PROBLEMS AND SOLUTIONS AT THE STAGE OF INNOVATIVE DEVELOPMENT OF
SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY.
International online conference.**

Date: 23rd December-2024



1. Кул бериб куришиш ва саломлашиш. Хар икки куришувчи «Ассалому алайкум», дея бир-бирларига унг кулларини узатиб, кафтла-рини енгил силкиб куришадилар, бу одоб, хулк нормасига тугри келади.

2. Баъзан шахслар кулларини бор кучлари билан силкиб куришадилар, натижада, бир-бирларига озор берадилар, бу саломлашиш одобнинг пастилгни ифодалайди.

3. Ёшлар узидан катта одамлар билан куришганларида, икки қулини бериб куришадилар. Айникса, ёш болаларнинг катта ёшдагиларга бир қулини узатиб куришиши х,ам одобсизлик саналади.

4. Кадрдонларча куришиш. Бундай куришиш ва саломлашишнинг узига хос жозибаси ва завки булиб, узок вакт куришмай юрган кариндош-уруглар, дуст-биродарлар кучок очиб, «Ассалому алайкум», «Ваалайкум ассалом», дея х,ар икки томон бир-бирини куксига босиб, кучоклашиб куришади. Бу саломлашиш огайнилар, опа-сингиллар, ота-она, фарзандлар, калин дуст ва биродарлар уртасида булади, улар бир-бирларидан х,ол-ах,вол сураб дийдорларига туюдилар. Бугунги кунда ахборот технологиялари ривожланган бир даврда алока воситалари халкимизнинг мулокот маданияти учун хизмат килмокда. Афсуски, биз педагоглар, ота-оналар уз фарзандларимизга телефонда саломлашиш ва мулокот килиш одобини шакллантира олганимиз йук. Ёшлар телефондан фойдаланиш, сузлашиш маданиятини яхши эгалламаганлари туфайли ота-оналарга иктисодий зарар етказмокдалар, яъни режасиз х,аддан ташкари телефонда куп гапашмокдалар. Энг мух,ими, куп гаплашиш фарзандларимизнинг соглигига салбий таъсир курсатмокда. Шунинг учун биз ота-оналар, педагоглар ёшларга телефонларда саломлашиш ва муомала маданиятини ургатиб боришимизни даврнинг узи талаб килмокда. Бугунги кунда ёшларга саломлашиш маданиятини ургатиш билан бир каторда хайрла-шиш маданиятини х,ам ургатиш зарур деб, х,исоблаймиз. Хайрлашув х,ам саломлашиш каби гузал булмоги ва дилдан чикмоги лозим. Бу эса асосан мех,мон ва мезбоннинг муносабатларига боғлиқ. Айрим холларда келган мех,монларга уй эгалари зикналий билан муносабатда булишади ёки баъзи гаплар билан мех,монни ранжитиб қуядлар. Бу узбекона урф-одатларимизга зиддир. Узбек халқида бир катор накл ва маколлар бор: «Мех,мон келади эшиқдан, ризки келади тешикдан», «Мех,мон келганда болангни уришма», «Куш уясида курганини килади». Бу каби пурмаъно маколларни таъкидлашдан максад хар хил муносабатларни фарзандлар куриб, узларида астасекин узлаштиб оладилар. Саломлашиш маданияти ва фарзанд тарбияси х,акида Накшбандия таълимотида куйидаги фикрлар ифодаланади: «Фарзандлар жамиятда узларига мос уринларини эгаллаш-лари, комил инсон булиб етишишлари йулида ижтимоий тарбия масъулиятига катта ах,амият бериш лозим. Болага ургатиш лозим булган одоблардан: куришганда салом бериш, бемор булса хабар олиш, чакирганда жавоб бериш, каттани х,урмат кичикни иззат килиш ва х,оказолар. Энг мух,ими болаларга жамият билан боғлиқ алокаларга оид оммавий, ижтимоий одобларни х,ам ургата олиш лозим». Юкоридаги фикрлардан келиб чикиб, бугунги кунда биз, кекса

Date: 23rd December-2024

авлод тарбиячилари, ёшларга саломлашиш маданиятини ургатиб борища куйидагиларни тавсия киламиз: 1. Оилаларда ота-оналар уз фарзандларига саломнинг ижобий томонлари хакида доимо эслатишлари лозим. 2. Узлуксиз таълим тизимида маънавий-маърифий тадбирларда узбек халкининг гурури хисобланган саломлашиш маданиятининг долзарблигини таргибот этиш уринлидир. 3. Айни вактда тарбиячилар, айникса бошлангич синф укитувчилари укувчилик билан саломлашишнинг хар жойда зарурлигини уқтиришлари ва бурч эканлигини сингдиришлари лозим. 4. Саломлашиш маданияти халкимизнинг гурури эканлиги ёш авлодга етказилса, нур устига аъло нур булади. 5. Иш билан суз бирлигига амал килиб, усиб келаётган ёш авлодга биз педагоглар узбек халкининг гурури - саломлашиш маданиятини сингдирсан, келажак авлод тарбиясига уз хиссамизни кушган буламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. II «Халк сузи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь.
2. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрат (Адаб дурдоналари). – Т.: «Узбекистон», 1990. -16-б.
3. Кенжабоев А.Э. Ёшларда маънавий-маърифий иммунитетни шакллантиришда жамоа институтларининг Урни. II «Халк таълими» журнали, 2017, 1-гон. -59-б.
4. Электрон манба: <http://Inaqshband.uz>. Лукмон Исоев «Оилада фарзанд тарбияси», 2016 йил 21 январь.